



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2010 йил 26 НОЯБРЬ, ЖУМА

**XXI аср** садоси  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН  
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 228 (11.789)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ

### БИР КУНИ



#### Кўргазмалар

### ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ СЎНГИ ЮТУҚЛАР

«Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Build Expo Uzbekistan-2010» қурилиш материаллари ва ускуналар, мебель жиҳозлари халқаро кўргазмаси давом этмоқда.

Кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бир қаторда Япония, Туркия, Литва, Беларусия, Россия, Италия каби мамлакатдан 40 дан зиёд компаниянинг кенг қамровли маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Стендларга қўйилган қурилиш ва пардозлаш материаллари, қурилиш техникаси ва транспорт воситалари, алюмин, пластик, ёғочдан тайёрланган дераза ва эшиклар, девор қопламалари, остмашифтлар, пардеворлар, паркет, пўкак ва полимер, санитария жиҳозлари, фаянс,

кафель, елим, лок ва бўёқлар, фасад қопламалари, иситиш тизимлари, термостатлар ва ўлчаш технологиялари, ҳавони совутиш ва шамоллатиш тизимлари, тақсимлагичлар, электр товарлар барчада катта қизиқиш уйғотмоқда. Уй ва офис учун мебель, мебель саноати йўналишида қўлланиладиган фурнитура ва материаллар эса соҳада эришилган сўнги ютуқлар, янги технологиялар самарасини яққол намойиш этмоқда. — Маҳаллий ишлаб чиқаришни рағ-

батлантириш бўйича қабул қилинаётган кўлаб янги меъёрий ҳужжатлар бизга қўшимча солиқ ва божхона тўловларида имтиёзлар яратмоқда, — дейди «Арт-мебель-групп» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бобур Бойбулатов. — Иқтисод қилинган маблағларни ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хом ашё ва бутловчи қисмлар учун йўналтириб бормоқдами. Кўргазма ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топиб, мустақкам фаолият юритишга, қўшимча иш ўринлари яратишда ўзига хос омил бўлади деган умиддамиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**  
**Ҳақимжон Солиҳов олган сурат**

### 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган тамойиллардан бири — қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, энг аввало, Асосий Қонунимизда мустақкам белгилаб қўйилган. Юксак инсонпарварликка йўғрилган бу тамойил бугун амалий самаралар бераётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

### ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҚКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам жамиятимизни ривожлантиришда мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мамлакатни модернизация қилиш шароитида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши масалаларига бағишланган республика илмий-амалий конференциясида шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси ўринбосари Б.Мирбобоев, Олий суд раиси Б.Мустафоев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров, Олий ҳўжалик суди раиси Д.Мирзакаримов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган мамлакатимиз Конституциясида белгиланган меъёрларнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани юртимиз тараққиётда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар. Асосий қонунимиз эркин ва фаровон ҳаётнинг муҳим пойдевори, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилаётган кенг қўламли ислохотларнинг мустақкам асосидир.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ амалга оширилаётган суд-

ҳуқуқ ислохотлари мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг энг муҳим йўналишларидан бири эканлиги конференцияда таъкидланди. Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақсадида «Судлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улим жазоси бекор қилинди, «Хабес корпус» ва ярашув институтлари жорий этилди. Тергов қилиш ва қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилди. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари кучайтирилди. Буларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мустақкам муҳофазасига қаратилгандир.

Конференция иштирокчилари Президентимиз томонидан тақдим этилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид концепциядан келиб чиқадиган суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича вазифалар барча давлат органлари, мансабдор шахслар, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан самарали ва масъулиятли фаолият кўрсатишни талаб этишини таъкидлаб ўтишди.

Анжуманда демократик янгилашлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этишнинг асосий йўналишлари, суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнини бошқа ижтимоий соҳалар билан ўзаро аниқ, чуқур ва узвий ҳолда амалга ошириш, конституциявий суд ишлари юритилишининг такомиллаштирилиши, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва манфаатлари кафолатлари, нотариат институти фаолиятини янада такомиллаштириш каби масалалар бўйича маърузалар тингланди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**  
**ЎЗА муҳбири**

тўртликлар ўртасидаги пойгада Сергей Борзов, Алексей Бобононов, Алексей Мочалов ва Вячеслав Горндан таркиб топган терма жамоамиз асосий рақобатчилари — Қозоғистон, Эрон ва Хитой спортчиларини ортада қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида 500 метрга ўтказилган тўртликлар ўртасидаги пойгада Юлия Борзова, Виктория Петришина, Екатерина Шубина ва Ксения Прилепскаядан таркиб топган жамоамиз маррага иккинчи келиб, кумуш медаль билан тақдирланди.

(Давоми 4-бетда)

Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари уч олтин ва бир кумуш медални қўлга киритди. Каноэда 1000 метрга эшак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков яққол беллашувларида голиб чиқди. Кетма-кет икки йилдан буён дунёнинг энг кучли каноэчиси, деб эътироф этилаётган В.Меньковга бу гал ҳам ҳеч ким тенглаша олмади. Белгиланган масофани 3 дақиқа-ю 51 сонияда босиб ўтган ҳамюртимиз фаолияти давомида иккинчи мартаба Осие ўйинлари шохсупасига кўтарилди. Мохир спортчимиз тўрт

**Гуанчжоуда ҳал қилувчи паллага кирган Осие ўйинларида байдарка ва каноэда эшак эшиш, бокс, эркин кураш, бадий гимнастика ҳамда енгил атлетика бўйича беллашувларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчиларимиз Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига яна беш олтин, тўрт кумуш ва икки бронза медаль қўшди.**

### ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ — ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ШОҲСУПАСИДА

йил муқаддам Қатар пойтахти Доҳада ўтказилган Осие ўйинларида ҳам ғалаба қозонган эди.

Вадимнинг ғалабали одимларини Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев давом эттир-

ди. 1000 метр масофага ўтказилган жуфтлик пойгаларида бош соврин учун кураш асосан Ўзбекистон, Хитой ва Қозоғистон спортчилари ўртасида бўлди. Мусобақада муносиб қатнашган Серик Мир-

беков ва Герасим Кочнев дунё хитойлик Маоксин Хуан ва Вейонг Ксиени уч сонияга орта қолдириб, маррага биринчи келди.

Байдаркада бир километрга эшак эшиш бўйича

### ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат мулкни бошқариш қўмитаси томонидан давлат мулкни ижарага бериш жараёнини такомиллаштириш масалаларига бағишланган журналистлар иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги 154-мактабда ўқувчилар ташаббуси билан чоп этиб келинаётган «Нурафшон» газетасининг бир йиллиги муносабати билан матбуот фестивали бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек туманидаги 35-мактабда «Куз маликаси» кўрик-танлови бўлиб ўтади. Тадбир туман халқ таълими бўлими ва ўқувчилар ижодиёт маркази томонидан ташкил этилмоқда.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Халқаро валюта жамғармаси ҳамкорлигида БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда бюджет тизими ислоҳоти» лойиҳаси доирасида «На-тижага йўналтирилган бюджетлаштириш: жаҳон тажрибаси» мавзусида семинар ташкил этилди. Тадбирда соҳадаги янгиликлар, тизимда амалга оширилаётган ислохотлар самараси хусусида сўз юртилиб, иштирокчилар мазкур йўналишдаги халқаро тажрибалар билан танишдилар.

● Тошкентда Ўзбекистон ва Италия, Чехия, Венгрия, Туркия, Латвия савдо-саноат палаталари ҳамкорлигида Марказий Осиё тадбиркорлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истикболларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Жиззах давлат педагогика институтида вилоят Адлия бошқармаси томонидан «Қамолот» ЁИҲ вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

● Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими ташаббуси билан бир гуруҳ журналистларнинг Бухорога ижодий сафари ташкил этилди. Улар икки кун давомида бухоролик ҳамкасблари фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

● Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги «Имкон Тарандубитель» қўшма корхонасида модернизациялаш ишларини сўнг ишлаб чиқариш линиялари кенгайтирилиб, қўшимча 50 та иш ўрни яратилди.

● Қўқон шаҳрилик бир гуруҳ тадбиркорлар ташаббуси билан бўш ётган бино таъмирланиб, терини қайта ишлайдиган корхона ташкил қилинди. Натижада 30 киши иш билан таъминланиб, янги корхона томонидан буюртмачиларга дастлабки 65 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

● Когон туманида 3 километрлик қувур тортилиб, «Беклар» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидаги Маҳалла, Юқори Хоми, Қуйи Хоми аҳоли пунктларига тоза ичимлик суви келтирилди. Шу мақсадда «Сувоқава» туман бошқармаси 65 миллион сўмлик маблағ сарфлади.

● Тойлоқ туманида картошка уруғларини тайёрлашга ихтисослаштирилган «Ян Гу — Богизагон» қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Янги корхонанинг очи-лиши билан 120 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

### ЖАҲОНДА

● Москва ва Киев космос, қишлоқ ҳўжалиги ва Қора денгиз флоти бўйича бир қатор ҳўжатлар имзолайди.

● Германия ва Франция Ирландияга 85 миллиард евро миқдоридagi молиявий кредит ажратилишини тезлаштириш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда.

● Кеча Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган навбатдаги савдолар чоғида WTI русумли нефтнинг нархи 2,61 фоизга ошиб, бир баррел «қора олтин»нинг нархи 83,86 долларни ташкил этди.

● Каспий денгизининг Озарбойжон мамлакатни қисмида йирик газ кони топилди. «Умид» деб номланган мазкур конда 200 миллиард куб метр газ ва 30 миллион тоннадан ортиқ газ конденсати захираси борлиги айтилмоқда. У сўнги вақтларда мамлакат ҳудудидан топилган иккинчи йирик газ кони бўлди.

● Кеча «Союз» космик кемаси Халқаро космик станциядан ажралиб, Ерга томон парвозни бошлади.

● Мексиканинг Монтеррей шаҳрида «Ан-32» русумли вертолётнинг ҳалокатга учраши натижасида 5 нафар ҳарбий ҳаётдан кўз юмди. Ҳукумат мазкур фалокат сабабларини ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилишини маълум қилди.

● Колумбияда ўтказилган бир қатор операциялар давомида жиноий ҳатти-ҳаракатлари учун 900 дан ортиқ киши ҳибсга олиниб, улардан 2,3 тонна миқдорда гиёванд моддалар мусодара этилди.

● Гаитида тарқалган вабо эпидемияси билан боғлиқ вазият тобора жиддий тус олмоқда. Хасталикнинг тарқалишига йўл қўймастик учун олиб борилаётган чоратадбирларга қарамай, шу кунгача касаллик 1500 нафар одамни ҳаётдан олиб кетган. Қарийб 20 минг киши эса уни юқтириб олган. Бу маҳаллий аҳолини саросимага солиб қўймоқда ва турли оммавий тартибсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётир.

## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бўлиб ўтган йиғилиш даватида раҳбари Ислам Каримовнинг жорий йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросига бағишланди.**

Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган. Парламент фаолиятини янада ривожлантириш ва мустақамлаш, сиёсий партиялар ролини ошириш, мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизими ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек, демократик бозор ислохотларини тобора чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш шулар жумласидандир.

Бу олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида бир қатор муҳим вазифаларни амалга оширишни тақозо этади. Йиғилишда Президентимиз маърузасида белгиланган вазифаларни олий ва ўрта махсус таълим тизимида сўзсиз амалга оширилиши бўйича амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Унга қўра, маърузада кўтарилган концептуал ҳолатларни ўрганиш бўйича ўқув жараёнида махсус курс жорий этиш, маърузада билдирилган мулоҳазалар ва хулосаларни таълим муассасаларида интернет ва ахборот коммуникация технологиялари воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда чуқур ўрганишни ташкил этиш, бунга соҳанинг етуқ мутахассислари ва тажрибали профессор-ўқитувчиларни кенг жалб қилиш белгилаб олинди. Бу жараёнда зарур ўқув-услубий адабиётлар ва кўргазмалар педагогик воситаларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш шароитида таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, янгиликларни яратиш бўйича ўрнатилган тартибда тегишли тақдирлар тайёрлаш, кенг жамоатчилик ўрнатиш ва тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли равишда ташкил этиш, бунга педагог ва профессор-ўқитувчиларни кенг жалб қилиш лозимлиги таъкидланди.

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида Концепцияда белгиланган вазифаларни мазмунан сингдириб бориш, мазкур вазифалар асосида илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни мустақамлаш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатимиз таълим тизими ташкилотлари, барча олий таълим муассасалари раҳбарлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари бошлиқлари иштирок этган йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА)

Юртбошимиз маърузасидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93,96,98-моддаларига, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартишлар киритиш, қўллаб янги қонунлар қабул қилиш тўғрисидаги ҳолатлар асосан давлат бошқарувини такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва бошқа долзарб масалаларга бағишланди. Шу ўринда маърузанинг иккинчи бўлимида ўрин олган суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш концепциясига қисқача тўхталиб ўтсак.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш қарийб йигирма йилдан буён давом этмоқда. Шу давр ичида қабул қилинган қонунлар суд ҳокимиятини мустақамлашга, адвокатуранинг фуқароларни ҳуқуқий муҳофаза қилувчи институтга айланишига хизмат қилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартишлар орқали фуқароларнинг суд орқали ҳимояланган ҳақларини кучайтирилди. Маърузада Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилинганлиги, апелляция, ярашув институтлари жорий этилганлиги, қамоққа олишга санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилганлиги, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатларидан чиқарилганлиги билан боғлиқ ижобий омиллар кўрсатилиб, суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий чоралар тавсия этилди.

«Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилишга қонун ижодкорлиги жараёнининг кенгайганлиги, мураккаблашгани, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати ва асосланганлигига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошганлиги, қонунийликни таъминлаш борасида янги механизмлар яратилишини тақозо этилаётганлиги сабаб бўлади.

Президентимиз 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши лозимлигини таъкидлаб, бошқа процессуал мажбурул чораларини қўллаш учун ҳам суддан рўхсат олинган ҳолда талаби эканлигини ўқитиб ўтган эди. Лавозимдан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш каби жиддий процессуал мажбурул чораларини қўллаш учун суддан рўхсат олиш тартибига ўтиш тўғрисида ЖПКнинг 29,31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тадбирларини

**Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида нутқ сўзлаб, қонун ижодкорларининг узоқ муддатли ҳаракат дастурини шаклландириш учун асос бўладиган асосий қоидаларни баён этди.**

нинг тадрижий давоми ҳисобланади.

ЖПКнинг 255-моддасида кўзда тутилган лавозимдан четлаштириш жиноят-процессуал мажбурул чораси айбланувчи ва судланувчига нисбатан қўлланилади ҳамда шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб тан-

катларга тенглаштириш мумкин. Демак, бу чоранинг кўп жиҳатлари қамоққа олишга яқин бўлганлиги сабабли уни қўллашга фақат суд томонидан рўхсат берилиши тартибига ўтилиши, уни қўллашда ЖПКнинг 243-моддасида кўрсатилган тартибга амал қилиниши лозим.

ЖПКнинг 439-моддасида биринчи инстанция судида айблов хулосасини прокурор томонидан ўқиб эшиттириши тўғрисидаги ўзгартиш киритиш, ЖПКнинг 321-моддасидан суднинг жиноят ишини кўзга тутишга доир ваколатини чиқариш ҳақидаги тавсиялар суднинг бетаъриф, ҳолислигини таъминлашга, унинг суриштирув, тергов органларидан фарқли тарзда жиноий таъкиддан йироқлаштиришга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу янгиликларнинг қонунчиликка татбиқ этилиши жиноят процессининг олий мақсади – олий судловни амалга оширишга қаратилган.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиш тўғрисидаги тақдирини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Тезкор-қидирув фаолияти – ваколатли давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан уларнинг ваколати доирасида, ошқора ва яширин, шахс ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулкни муҳофаза қилиш, жамият ва давлат хавфсизлигини жиноий тажовулардан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан амалга ошириладиган фаолият туридир. Мазкур фаолиятни қонуний тарзда тартибга солиш жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини ошириш, тезкор-қидирув фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз томонидан суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш юзасидан кўрсатиб ўтилган барча тавсияларнинг қонунчиликка татбиқ этилиши жиноят судлов ишларини юритиш самардорлигини оширади, инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўшимча муҳофаза қилади, жиноят процессининг яна демократлашувига олиб келади.

**Гулҳебра Тўлаганова,**  
Тошкент давлат юридик институти кафедраси доценти,  
юридик фанлари доктори

## СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

лаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш каби конституциявий ҳуқуқларини (Ўзбекистон Конституциясининг 37-моддаси биринчи қисми), яъни шахс ва фуқаронинг меҳнат ҳуқуқларини бевосита чеклайди. Ушбу процессуал мажбурул чорасини қўллаш учун ҳам суддан рўхсат олиш тартибига ўтилиши айбланувчи, судланувчи ҳуқуқларини қўшимча қафолатлашга хизмат қилади. Шу жиҳатдан ЖПКнинг 255-258-моддаларида лавозимдан четлаштириш тўғрисида суд ажримни чиқариш ва ажрим устидан юқори судга шикоят қилиш тартиби, унинг амал қилиш муддатлари белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурул чорасини қўллашнинг мақсад ва моҳияти жамиятни ақли норасо ёки руҳияти вақтинча бузилган шахсларнинг ҳуқуқбузарлик ҳаракатларидан ҳимоялаш, бундай шахсларни жамият ҳаётига қайтаришга кўмаклашиш, уларни даволаш ёки руҳий ҳолатини жамият учун хавф туғдирмайдиган даражага яхшилаш ва ўша шахслар томонидан янги хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олишдан иборатдир. Демак, ушбу чорани қўллашда шахс ва жамият манфаатлари бирлашади. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ва тиббий йўсиндаги мажбурул чораларини қўллаш шахсни жамиятдан ажратиб билан боғлиқ бўлган кенг маънодаги жиноят-процессуал мажбурул чораси бўлади, яъни бу чоралар Ўзбекистон Конституциясининг 25-моддасидаги шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ. Шу жиҳатдан шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ушлаб туриш, қамоққа сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси каби жиддий процессуал ҳара-

катларга тенглаштириш мумкин. Демак, бу чоранинг кўп жиҳатлари қамоққа олишга яқин бўлганлиги сабабли уни қўллашга фақат суд томонидан рўхсат берилиши тартибига ўтилиши, уни қўллашда ЖПКнинг 243-моддасида кўрсатилган тартибга амал қилиниши лозим.

ЖПКнинг 439-моддасида биринчи инстанция судида айблов хулосасини прокурор томонидан ўқиб эшиттириши тўғрисидаги ўзгартиш киритиш, ЖПКнинг 321-моддасидан суднинг жиноят ишини кўзга тутишга доир ваколатини чиқариш ҳақидаги тавсиялар суднинг бетаъриф, ҳолислигини таъминлашга, унинг суриштирув, тергов органларидан фарқли тарзда жиноий таъкиддан йироқлаштиришга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу янгиликларнинг қонунчиликка татбиқ этилиши жиноят процессининг олий мақсади – олий судловни амалга оширишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз томонидан суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш юзасидан кўрсатиб ўтилган барча тавсияларнинг қонунчиликка татбиқ этилиши жиноят судлов ишларини юритиш самардорлигини оширади, инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўшимча муҳофаза қилади, жиноят процессининг яна демократлашувига олиб келади.

**Гулҳебра Тўлаганова,**  
Тошкент давлат юридик институти кафедраси доценти,  
юридик фанлари доктори

## Алоқа

### ЭЛЕКТРОМАГНИТ МУВОФИҚЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯ

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида электромагнит мувофиқлиги ва электромагнит экологиянинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-техник семинари бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси, "Unicon.uz" маркази ва Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техник жамияти томонидан ташкил этилди.

Семинарда, деб хабар беради ЎЗА, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимига кирувчи акциядорлик компаниялари, корхоналар, муассасалар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Мудофаа вазирликлари, Тошкент темир йўл муҳандислари институти ва бошқа ташкилот ҳамда идоралар вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда электромагнит мувофиқлиги ва электромагнит экологиясига катта эътибор қаратилмоқда. Қатор идора ва ташкилотлар бу борадаги вазифаларни назорат қилиш ҳамда тартибга солиш ишларини амалга оширмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари М.Сангилов бугунги кунда ахборот технологиялари ва радиоалоқа жадал ривожланиб, барча соҳаларда компьютерлаштирилган, ишлаб чиқариш, тиббиёт ва кундалик турмушда электромагнит энергиясидан кенг фойдаланилаётганини таъкидлади. Шу боис турли техник воситаларнинг бир-бирига ҳамақатли бермасдан ишлатилиши таъминлаш, аτροφ-муҳитдаги электромагнит жараёнининг инсон саломатлигига зарарли таъсирини камайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Семинар доирасида электромагнит мувофиқлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, радиочастота спектрининг самарали фойдаланиши, электромагнит нурланишининг аτροφ-муҳитга таъсири бўйича тадқиқотлар, радиомониторинг ўтказиш, ахборотни ҳимоя қилиш масалалари муҳокама этилди.

Меҳрибон МАМЕТОВА

## АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ТЎПЛАМИ

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги яна бир нашрга эга бўлди. Ахборот-таҳлил бюллетени кўринишида чоп этилаётган бу тўпلامда республикамиз ва хорижда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурлари, илғор ютуқлар ва соҳадаги энг сўнги янгиликлар шарҳи кенг ёритилмоқда.**

Нашрнинг ўтган сонларида электромагнит мослашув маркази, «Уникон.Уз» давлат унитар корхонаси» каби ташкилотларнинг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда эришаётган ютуқлари оммалаштирилди. Шунингдек, ишончли интернет манбалар шарҳлари ҳам ўз баёнини топди.

## ЎЗБЕГИМ ДУРДОНАСИ — 25 ЁШДА

**Тошкент шаҳрининг фахри ҳисобланган телеминора 1985 йилда қуриб битказилган эди.**

«Ўзбеким дурдонаси» дея таъриф олган бу йирик иншоотнинг баландлиги 375 метрни ташкил этади. Унинг пойдевори эса 11 метрдан иборат. Миноранинг юқори қисмига республика об-хавони кузатиш марказининг махсус кузатув мосламалари жойлаштирилган.

Ўтган чорак аср мобайнида «Ўзбеким дурдонаси» лойиҳавий-техник жиҳатдан янада мустақамланди. У дунё архитектурасининг гўзал намунасига айланди. Тошкент телеминораси Москвадаги Останкинодан кейинги иккинчи ўринда туради. 1991 йилда эса Бутунжаҳон миноралари федерациясига аъзо бўлди.

Телеминора ихтирочиларининг изланиши муносиб тақдирланиб, улар Давлат мукофотига сазовор бўлган. Иншоотга ўрнатилган ускуналар алоқа ва коммуникация вазифасини ҳам бажаради.

## «ДАМАС» СОВФА ҚИЛИНДИ

**«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти саъй-ҳаракати билан тизим тасарруфидаги муассасаларнинг моддий-техник негизи янада мустақамланди.**

Энг илғор жамоалар эса «Дамас» русумли автобиллар билан таъминланди. Ушбу транспорт воситалари электрон тарози, темир шкаф, иш столи, тиббиёт кутчаси, ўт ўчиргич, товуш чиқарувчи мослама, турли стэндлар билан жиҳозланган.

Ақбар АЛИЕВ

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

**Ижод — кўнгли мулки. Уни теран англаш, борини қоғозга тушира олиш ҳам аслида бир соодат. Атрофидагилар бунини тушуниб, эътиборли бўлса, ижодкор учун чинакам бахтдир.**

## ИЖОД БОҒИНИНГ ЁШ ИСТЕЪДОДЛАРИ

Ижод аҳлига кўрсатилган эътибор истиклол йилларида адабиёт ва санъатнинг янада барқарор ривожланишига замин яратди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фонди ташкил этилиши ва унинг ҳисобида ёшларнинг илк қитоблари нашрга тайёрланиши, «Дўрмон» боғи таъмирланиши, ижодкорлар ихтиёрига топширилиши, бир сўз билан айтганда, адабиёт-шуносларга бевосита Ўртбошимиз томонидан кўрсатилган амалий кўмакдир.

«Дўрмон» ижод уйида бошланган «Истеъдод мактаби» ёш қаламкашларга шеърини ва насрий ишларини устозлар кўригидан ўтказиб олиш учун яна бир бор имконият яратди. Республикаимизнинг турли минтақаларидан келган

йигит-қизлар бу ерда таниқли ижодкорлар билан мулоқот қилиш, «Ёшлик», «Шарқ юлдузи» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ходимлари билан учрашиш имкониятига эга бўлмоқда.

— Қўллаб-қувватловчи билан учрашиб, улар фикрини тинглаётганимдан фахрланаман, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Тошкент вилоятдан келган Наима Абдурахмонова. — Назм йўналишида ижод қиламан. Она Ватанга, миллатимиз мадҳига бағишланган шеърларим билан устозлар эътиборига сазовор бўлишни ният қилганман. Бу ерда яратилган қулайликлар бизни янада руҳлантирди. Адабиётимизга қаратилган бундай эътиборни маънавийтимиз юксалишига, айниқса биз, ёшлар, онг-тафаккури,

иктидор ва истеъдодига бўлган жуда катта ғамхўрлик деб биламан.

Беш кун давом этадиган семинарда ёшлар гуруҳларига бўлинган ҳолда «Маҳорат сирлари» дарсларида иштирок этади. Ушбу жараёнда ёш қаламкашлар ўзларининг шеърини ва насрий машқларини устозлар ҳукмига ҳавола этиш баробарида, адабиёт назарияси, шеър ёзиш санъати, ёзувчилик ва драматургия бўйича билим олиш имкониятига эга бўлади. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Мухтор, Муҳаммад Али, Иқбол Мирзо, Сирожиддин Саййид сингари устозлар адабий-назарий мулоҳазалари билан ёш ижодкорларга катта умид ва ишонч билдиришди.

«Истеъдод мактаби» машғулотлари якунида ижод боғида Ўзбекистон Бадиий академияси ташаббуси билан ёш рассомлар кўргазмаси ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Наргиза АСАДОВА

## КЕЛАЖАК САРИ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

**Мамлакатимизда баркамол авлодни воёга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, бу саъй-ҳаракатларнинг пировард мақсади келажак сари мустақам пойдеворни шакллантиришга қаратилган.**

Ёшларимизни ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган шахслар этиб воёга етказиш борасида қўллаб-қувватловчи ҳаётга татбиқ этилмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ушбу хайрли ишларни янада юксалтириш, ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлиқроқ ҳимоя қилиш ва таъминлаш, уларнинг ижодий имкониятларини янада кучайтириш масалалари долзарб вазифа сифатида белгиланган.

«Соғлом она — соғлом бола» дастурини изчил амалга ошириш борасида соғлом авлодни воёга етказиш мақсадида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббий хизмат моддий-техник негизини мустақамлаш, бола тарбияси билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида кенг қамровли ту-

шунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан бу борада ёшларнинг кенг жалб қилган ҳолда қўллаб-қувватловчи ташкил этилаётган. Ўтган тўққиз ой мобайнида 1,5 мингдан ортиқ ҳуқуқий саводхонлик тадбирлари ўтказилди.

Қайд этилганидек, бу саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, фарзандларимиз жамиятнинг фаол аъзоси бўлишига, иқтидорини намоён этишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, эзгулик йўлида қилнаётган барча ишларимиз замонида ёшларнинг бахт-иқболи, истиқболы ётади. Эртага юртимизнинг қудратли ўғил-қизларимизда намоён бўлади. Ватан тақдирини фарзандларимиз ҳал қилади. Шундай экан, баркамол авлод манфаатлари йўлида олиб борилаётган ҳар қандай ҳаракат келажакка қўйилган мустақам пойдевордир.

**Зафар ОЛИМОВ,**  
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи



«Ўзбекистон, сени куйлайман!» — ушбу шиор остида пойтахтимизда санъат фестивали ўтказилди.

### Жамоат ташкилотларида қўшиқ эзгуликка етаклайди

Касаба уюшмалари ташаббуси билан ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган тадбирнинг шаҳар босқичида корхона, ташкилот ва муассасалар қошидаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этди.

Мақом, анъанавий қўшиқчилик, эстрада, якка чолғу ва оммавий рақс йўналишлари бўйича 24 та яксадон, тўртта бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашди. Иштирокчиларнинг ҳар бири чиқиши ўзига хос тақрирлар билан жўшқинлик, миллийликни тарғиб қилган ҳолда кийинишлари, овознинг юқори пардада ва жонли овозда куйланиши билан диққатга сазовор бўлди.

Айниқса Тошкент ирригация ва мелiorация институти маданият саройи вакили Ҳожимурод Мансуров ижросидаги «Ўзбегим» қўшиғи, Сергели тиббиёт коллежининг «Марварид» фольклор дастаси томонидан

тақдим этилган халқ термаларидан иборат лапарлар, 466-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Мохичеҳра Яхшибоевнинг «Юрт» қўшиғи томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Ҳар бир ижрочининг куй, қўшиқ ва рақслари шу қадар юракка яқин, ширали, оҳангдор ва дилбарки, машҳур хонандалар томонидан эмас, ҳаваскорлар ижро этаётганидан хайратга тушасиз. Демак, умидли ёшларимиз кўп экан, бу халқимизнинг санъатга ҳамоҳанг яшайдиган даражаси.

Ўзбекистоннинг қалбида мусиқага уйғунлик, қўшиққа муҳаббат, рақсга мойиллик бор. Ўзбек халқи, дарҳақиқат, доим куй сеҳрига ҳамоҳанг яшайди, — дейди фестивалъ хайъат аъзоси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Баҳрулла Лутфуллаев. — Ҳаттоки сокинлик ҳоҳлаганда ҳам, майин

наволар томон талпинади. Кўшиқ инсонни эзгуликка етаклайди, дилига юксак маънавиятни жо қилади, энг асосийси, унга хотиржамлик ва таскин бахш этади. Танлов иштирокилари, гарчанд машҳур бўлмасда, қўшиқ, рақс санъатига бўлган иқтидорини моҳирона кўрсатиб бера олди. Умид қиламизки, улар орасидан иқтидорли хонандалар албатта этишиб чиқади.

«Ўзбекистон, сени куйлайман!» санъат фестивалида Ўзбекистон ёқилги-энергетика мажмуаси, «Ўзметмашсанот», «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик компанияси, бошқа кўплаб корхона ва ташкилотларнинг қасба уюшмалари тасарруфидаги бадиий жамоалар иштирок этди.

Санъат фестивалининг шаҳар босқичида энг яхши деб эътироф этилган яксадон иштирокчилар ҳамда жамоалар республика миқёсида иштирок этишга йўланма олди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА  
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

### Сўнги пайтларда кенг жамоатчилик таклиф-истакларидан келиб чиққан ҳолда оммавий ахборот воситаларида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманига Олмазор номини бериш юзасидан олимларнинг бир нечта мақоласи эълон қилинди.

